**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЛКАРОВА ФЕРУЗА НАЗАРБАЕВНА**

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ВАЗИЯТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ

**(“Технология” таълими мисолида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**УЎК: 37.091.31:331**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философских наук (PhD) по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstracts of doctor of philosophy (PhD) on pedagogical sciences**

**Алкарова Феруза Назарбаевна**
Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш тизими (“Технология” таълими мисолида) **3**
.....

**Алкарова Феруза Назарбаевна**
Система организации ситуаций для активизации практических навыков учащихся (на примере образования “Технология”) **23**
.....

**Alkarova Feruza Nazarbayevna**
The system of organizing situations for the activation of practical skills of pupils (on the example of the lessons of “Technology”) **42**
.....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**
**Список опубликованных работ**
**List of published works** **46**
.....

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

**АЛКАРОВА ФЕРУЗА НАЗАРБАЕВНА**

# ЎҚУВЧИЛАРНИНГ АМАЛИЙ КЎНИКМАЛАРИНИ ФАОЛЛАШТИРИШ ВАЗИЯТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИ

**(“Технология” таълими мисолида)**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2022**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.2.PhD/Ped1237 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdpu.uz) ва "ZiyoNET" Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Сафарова Рохат Гайбиллаевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Хакимова Мухаббат Файзиевна**
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ўринова Нилуфар Мухаммадовна**
педагогика фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:** **Чирчиқ давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.2020.Ped.26.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "___" _____соат _____даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86;Web-site: www.tdpu.uz.

Диссертация билан Тошкент давлат педагогика университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 27-уй. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Диссертация автореферати 2022 йил "___" _____куни тарқатилди.

(2022 йил "___" _____ даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

**Б.С.Абдуллаева**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., проф.

**Р.Г.Исянов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

**Н.А.Муслимов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон таълим амалиётида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш, уларда интеллектуал қобилиятларни ривожлантириш, ўқув фаолиятларини жадаллаштириш, амалий характердаги топшириқларни тақдим этишни қулайлаштириш каби педагогик тадқиқотлар амалиётга тадбиқ этилмоқда. Германия, Япония, Корея, Россия Федерацияси каби давлатларнинг таълим тизимида технология машғулотларини интегратив ташкил этиш ва ўтказиш орқали ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишга устиворлик берилиб, компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларни амалий кўникмаларини қўллашга ўргатиш, фикрлашга ундаш, ўз имкониятларидан тўғри фойдалана олишларига имконият яратиш, ўзаро амалий тажриба алмашишлари учун қулай шарт-шароитлар вужудга келтиришнинг дидактик тизимини такомиллаштириш бўйича йирик лойиҳалар тизимли амалга оширилмоқда.

Жаҳоннинг таълим ва илмий тадқиқот муассасаларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш жараёнини тизимлаштириш стратегияларини ишлаб чиқиш, ижтимоий ривожланишни такомиллаштириш жараёнларини лойиҳалаштириш, ўқувчиларнинг ижодий амалий фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилган технологик таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш, болаларнинг ёш ва психофизиологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда мақсадга йўналтирилган таянч ва фанга оид компетенцияларни шакллантириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, шахсга йўналтирилган таълим стратегияси талаблари ва компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш жараёнини самарали шакллари ва усулларини жорий этиш, технология таълими ўқитувчиларининг инновацион фаолияти кўлами даражасини кенгайтириш, уларнинг касбий компетентлилигини ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда технология таълимининг методик таъминотини такомиллаштириш, инновацион ёндашувлар асосида ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаштиришнинг меъёрий асослари яратилмоқда. “Умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, чет тиллар, информатика ҳамда математика, физика, кимё, биология каби бошқа муҳим ва талаб юқори бўлган фанларни чуқурлаштирилган тарзда ўрганиш”[1] каби муҳим устувор вазифалар белгиланди. Бу эса ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишнинг дидактик тизимини такомиллаштириш, унинг интеграциялашган мазмунига замонавий ёндашувларни сингдириш, ўқувчиларни амалий кўникмаларини қўллашга ўргатишнинг педагогик-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. – Тошкент: Адолат, 2017. – Б.22.

психологик йўналишларини аниқлаш, бунда технология таълимининг методик имкониятларини аниқлаштириш, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга йўналтирилган педагогик жараён моделини замонавий ёндашувлар асосида такомиллаштириш имкониятлари кенгайди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сон, 2019 йил 29 апрелдаги “Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепцияси” тўғрисидаги ПФ-5712-сон Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 августдаги “Ёшларни маънавий-ахлоқий ва жисмоний баркамол этиб тарбиялаш, уларга таълим-тарбия бериш тизимини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3907-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 187-сонли Қарори ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўқувчиларда фаолият турлари, меҳнат ва касбга оид билимлар Б.А.Акбаров, Д.Н.Арзиқулова, Р.З.Асамова, Р.Х.Джураев, У.С.Жумаев, Д.Б.Махмудова, Н.А.Муслимов, З.Очилов, Б.Х.Рахимов, Р.Сафарова, Ў.Қ.Толипов, Ў.О.Тоҳиров, М.Б.Уразова, Ш.С.Шарипов, У.А.Ўринов, О.А.Қўйсинов, М.Ҳайдаров; ўқувчиларни фаоллаштириш масаласи Ф.Қаноатова, Б.Қодиров, Ҳ.Тожибоеваларнинг ишларида ўз ифодасини топган.

Меҳнат таълими, касбга йўллаш, меҳнат ва касб кўникмаларини шакллантириш орқали ўқувчиларни ижтимоий ривожлантириш муаммолари В.В.Акимов, Н.А.Алексеев, В.И.Андреев, Д.Б.Богоявленская, Н.М.Борытко, А.Бульнин, П.Гальперин, И.Ю.Гутник, В.П.Делия, Т.Иванюк, В.С.Мерлин, М.В.Ретивых, Т.В.Татьянина, Л.Г.Устинова, А.В.Хуторскойларнинг илмий тадқиқот ишларида ёритилган.

Шахснинг ижтимоий ривожланиши масалалари A.Bandura, L.Botcheva, Clemente Franco, A.Giddens, H.Schmidt, R.Sears, Jantine L.Spilt, G.Wegner, H.Widdelлар каби педагог, психолог, файласуф, социолог олимлар томонидан тадқиқ этилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот ПЗ-2014-0912150534 рақамли “Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари” фундаментал тадқиқот лойиҳаси доирасида амалга оширилган (2015-2017 йй).

**Тадқиқотнинг мақсади** технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари:**

ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишнинг педагогик-психологик имкониятларини таҳлил этиш;

ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишнинг педагогик-психологик йўналишлари, дидактик хусусиятларини такомиллаштириш**;**

технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш педагогик жараён моделини такомиллаштириш;

ўқувчиларнинг амалий кўникмаларининг фаоллашганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини такомиллаштириш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида ўқувчилар амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш тизимини такомиллаштириш жараёни белгиланиб, Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг 13 та умумий ўрта таълим мактабларининг 1179 нафар ўқувчилари ва 33 нафар технология ўқитувчилари қатнашди.

**Тадқиқотнинг предметини** ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш тизимини такомиллаштиришнинг шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда мавзуга оид илмий манбалар, ўқув-меъёрий ҳужжатлар, ўқув-услубий адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш, педагогик кузатув, анкета, умумлаштириш, савол-жавоб, сухбат, педагогик эксперимент, математик-статистика методларидан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш имкониятлари гендерга хос индивидуал ўзгаришлар, мустақил тафаккур тарзига мос шахсга йўналтирилган ўзаро муносабат вазиятини вужудга келтириш асосида аниқланган;

технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмалари таълим беришга дидактик ёндашувларни уйғунлаштиришга қаратилган репродуктив ва продуктив усулда эгалланган билимларнинг маҳсулдорлигини ҳамда ўзлаштирилган билимларни таълим жараёнида қўллаш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда амалий кўникмаларнинг ривожланганлик даражаси ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро муносабатларининг ҳамкорлиги ва алоқадорлиги, ижтимоий-

педагогик вазиятлар билан мувофиқлаштирилганлиги, технология таълимида нутқий-визуал мулоқотни фаоллаштириш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларнинг амалий кўникмалари дидактик жараён, тафаккур тарзи, идрок этиш имкониятлари, гендер хусусиятлари инновацион ўқитиш технологияларига сабаб-оқибат боғланишларини қадриятли муносабатларга трансформациялаш асосида такомиллаштирилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ўз аксини топган:

ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришнинг ижтимоий-педагогик зарурият эканлиги назарий-эмпирик жиҳатдан асосланган ва "Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш тизими" номли услубий қўлланма амалиётга жорий қилинган;

ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш имконини берадиган ўқитиш методлари ва технологияларнинг дидактик хусусиятлари аниқланган ва педагогик жараён модели ишлаб чиқилган;

технология дарсларида ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллашганлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари аниқланган;

технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишнинг дидактик тизими такомиллаштирилган ва уни амалиётга татбиқ этиш юзасидан илмий асосланган таклиф, тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олингани, келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистика усуллари воситасида асосланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишга йўналтирилган муайян дидактик тизим, ушбу тизимнинг педагогик-психологик асослари, уни амалиётда қўллашнинг қулай шарт-шароитлари ҳамда ишлаб чиқилган таклифлардан фойдаланиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишлаб чиқилган илмий-методик ёндашувлар ва тавсиялардан умумий ўрта таълим мактабларининг технология фани ўқитувчилари фаолиятини, малака ошириш курслари дастурларини такомиллаштиришда, давлат таълим стандартлари меъёрларини такомиллаштиришга хизмат қилади. Шунингдек, технология фан ўқитувчиларининг педагогик маҳорати ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш имконини берадиган илғор тажрибалар ва инновацион методлар билан бойитилди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Технология таълими жараёнида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш бўйича олинган илмий натижалар, хулоса ва таклифлар асосида:

технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришнинг педагогик-психологик имкониятларини уларнинг тафаккур тарзи, идрок этиш имконияти, гендер хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалий ҳаракат суръати, даражаси, йўналганлигини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0912150534 рақамли "Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари" мавзусидаги амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 27 июлдаги 02-02/3-1962-сон маълумотномаси). Натижада технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришнинг педагогик-психологик имкониятлари гендер хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда аниқлаштирилган;

ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш имконини берувчи амалий характердаги ўқув топшириқлари, дидактик вазиятларни туркумлаштириш, технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини ривожлантириш шартларини аниқлашга доир таклиф ва тавсияларидан ФЗ-2016-0909111822 рақамли "Дарсликлар ва ўқув адабиётлари мазмунига Шарқ педагогик тафаккури дурдоналарини сингдириш орқали ўқувчиларда "оммавий маданият"га қарши курашчанлик кўникмаларини шакллантириш механизмлари" мавзусидаги фундаментал лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 27 июлдаги 02-02/3-1962-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш шарт-шароитлари аниқланган;

ўқувчиларда амалий кўникмаларнинг фаоллашганлик даражаси кўрсаткичлари уларнинг шахсий сифатларини интеллектуал ривожланиш траекторияси билан технология таълими интеграциясини таъминлаш асосида фаоллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ПЗ-2014-0912150534 рақамли "Умумий ўрта таълим мактабларида меҳнат таълими фанини мазмунан модернизациялаш ҳамда таълим сифати ва самарадорлигини ошириш технологиялари" мавзусидаги амалий лойиҳани амалга оширишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2021 йил 27 июлдаги 02-02/3-1962-сон маълумотномаси). Натижада ўқувчиларда амалий кўникмаларнинг фаоллашганлик даражасини аниқловчи кўрсаткичлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий

натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, улардан, 3 таси республика, 1 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат бўлиб, диссертациянинг асосий матни 124 саҳифани ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Дарсларда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришнинг назарий-эмпирик асослари”** деб номланган бўлиб, унда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш ижтимоий-педагогик зарурият сифатида асосланган ҳамда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишнинг педагогик-психологик йўналишлари белгиланган.

Бугунги кунга келиб ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда компетенциявий ёндашувга таяниш муҳим аҳамият касб этмоқда. Тадқиқотларда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда икки хил ёндашувга таянилганлигини кўриш мумкин:

Педагогик ёндашув, бундай тадқиқотларда асосий эътибор ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда ўқитувчи фаолияти ва дидактик воситаларнинг ўрнини кўрсатишга қаратилган;

Психологик ёндашув, бунда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда уларнинг ўзига хос педагогик-психологик хусусиятлари нуқтаи назаридан ёндашилган.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятлари Р.Сафарова, М.Ҳ.Маҳмудов, Б.Б.Маъмуров, Г.Н.Нажмиддиновалар, ўқувчиларни касбга йўналтириш масаласи Р.Х.Джураев, З.Очилов, Б.А.Акбаров, Д.Н.Арзиқулова, Р.З.Асамова илмий тадқиқотларида акс эттирилган.

Ўқувчиларни фаоллаштириш масаласи Ф.Қаноатова, Б.Қодиров, Ҳ.Тожибоеваларнинг ишларида, меҳнат таълими ва компетенциявий ёндашув масаласи Н.А.Муслимов, Д.Б.Махмудова, Ў.О.Тоҳиров, О.А.Қўйсиновларнинг ишларида ўз ифодасини топган. Муаммонинг психологик жиҳатлари Ғозиев, Баратов, Соғиновларнинг илмий ишларида ёритилган.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш усуллари ва йўлларини таҳлил қилиш бу соҳада бир қатор йўналишларни ажратиш имконини берди: ўқувчиларнинг ўқув жараёни субъекти сифатида шаклланишларини

таъминлаш; ўқув жараёнини диалог асосида ташкиллаштириш; шахсга йўналтирилган ўзаро муносабат вазиятини вужудга келтириш; ўқув жараёнини технологик ёндашув асосида ташкил этиш; ўқув материалларининг ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаштириш нуқтаи назардан аҳамиятлилигини таъминлаш; ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда технология таълимининг бошқа ўқув предметлари билан алоқадорлиги ва интеграциясини таъминлаш; янги билимларни тақдим этиш жараёнида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш мақсадида қизиқарли вазиятларга жалб этиш; янги мавзуни ўтиш жараёнида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда муаммоли таълим имкониятларидан фойдаланиш; ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш мақсадида уларнинг ижодий, яратувчилик характеридаги мустақил ишлари кўламини кенгайтириш; ўқувчиларнинг шахсий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда амалий кўникмаларини фаоллаштириш усулларини қўллаш; ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш мақсадида улар учун қизиқарли бўлган вазиятларни ташкил этиш; технология дарсларида муваффақият қозонишга ундаш натижасида амалий-ижодий кўникмаларни фаоллаштириш усулларини қўллаш кабилар.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда компетенциявий ёндашув асосида ташкил этиладиган дидактик вазиятлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Диссертацияда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда уларнинг руҳий имкониятлари ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш алоҳида аҳамиятга эгалиги, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишда уларнинг ёш хусусиятлари билан бир қаторда, гендер хусусиятларини ҳисобга олиш зарурлиги келтирилган. Масалан, қиз болалар уйда ҳам, мактабда ҳам бирдай фаол бўлсалар, ўғил болалар уйда, кўча-куйда фаоллик кўрсатганлари ҳолда таълим жараёнида сокин ҳаракатланадилар, шунингдек, улар бажарадиган фаолият турларида ҳам муайян фарқлар мавжуд. Технология дарсларида қизлар алоҳида меҳнат турлари билан, ўғил болалар эса ўзларининг гендер хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида меҳнат турлари билан шуғулланадилар. Ўғил ва қиз болаларнинг гендер хусусияларини ҳисобга олган ҳолда технология таълими жараёнида уларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда ўзига хос ёндашувни қўллаш лозим.

Муайян ёндашувни қўллашда ўқувчилар яшаётган оила муҳити ва таълим муассассасининг ижтимоий-демографик хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш лозим. Масалан, баъзи оилаларда ҳунармандчилик билан шуғулланишса, айрим ҳудудларда чорвачилик, ғаллачилик кенг тарқалган бўлади. Бундай вазиятларда ўқувчиларда кўрсатиб ўтилган меҳнат турларига нисбатан қизиқиш даражаси баланд бўлади.

Ўқувчиларга хос бўлган хусусиятлардан яна бири – ўзларининг улғайганликларини намоён қилишдир. Ўқитувчилар ва ота-оналар буни алоҳида ҳис қилишлари, уларга улғайганликларини тез-тез эслатиб туришлари лозим. Бу ўз навбатида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришни

таъминлашга хизмат қилади ва янги билимларни жадал ўзлаштиришларига кўмаклашади.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишнинг педагогик шарт-шароитлари”** деб номланган бўлиб, унда компетенциявий ёндашув асосида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишнинг дидактик хусусиятлари таҳлил қилинган, ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларида қўлланиладиган шакллар ва воситалар аниқланган ҳамда технология дарсларида ўқувчиларда амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларида қўлланиладиган методлар ажратиб кўрсатилган.

Ўқув ҳамкорлигини ташкил этиш жараёнида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш имконияти яратилади. Бу қуйидаги икки кўринишда намоён бўлади: ҳамкорликдаги фаолиятнинг ўқувчи тараққиётига таъсир кўрсатиши, уларда амалий кўникмаларнинг фаоллашуви; ҳамкорликдаги ҳаракатларнинг ўзини ўрганиш, ўқувчиларда фаолиятнинг янги турлари шаклланишида унинг кўрсатадиган таъсирини дидактик жиҳатдан асослаш кабилар.

Технология таълимининг барча босқичларида ўқувчиларни амалий кўникмаларини ривожлантириш ва ҳамкорликка жалб этиш имконияти вужудга келади. Мазкур жараёнга ўқувчиларни жалб қилиш уч хил асосга таянади: бевосита амалий фаолият жараёнида ўзлаштириладиган технологияга оид билимлар, амалий кўникмаларни, ривожлантиришга асос бўладиган ўқув материаллари тақдим этилади. Бунда роллар ўқитувчи ҳамда ўқувчилар орасида тақсимланади; технология дарсларини кўпфаолиятлилик асосида ташкил этиш; кўпфаолиятлилик асосида ташкил этилган ўқув жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаш.

Технология дарсларида ўқувчиларда қуйидаги амалий кўникмалар таркиб топади: ўзлаштирилган умуммеҳнат кўникмаларини машқлар ёрдамида мустаҳкамлаш; мустақил равишда андозалар яратиш; ўзлари яратган андозаларни асослаш, ўзига ҳос жиҳатларини кўрсатиб бериш; ўзлари яратган андозаларни изоҳловчи кичик ҳажмли матнлар яратиш каби.

Технология дарсларини ўқитишда ДТСлари талабларига амал қилган ҳолда меҳнат қуроллари ва иш материалларини ўрганиш жараёни ўқувчи шахсиятини шакллантиришнинг асосини ташкил этишига ишонч ҳосил қилдик. Технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш орқали ижодий лаёқатларини ривожлантиришга эътибор қаратилди. Бунинг учун технология дарсларида ўқувчилар олдига қўйиладиган топшириқларнинг маҳсулдорлигига эътибор қаратиш лозим. Чунки материалларни ўрганиш асосида ўқувчиларнинг уларни идрок этишлари жадаллашади. Бунинг учун технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий фаолликларини таъминлашга хизмат қиладиган инновацион усуллар ва методлардан фойдаланиш талаб этилади. Бу жараёнда ўқувчилар нафақат алоҳида касбий билимларни

ўзлаштирадилар, балки улар муайян ҳаракатнинг ўзига хос жиҳатлари, ўзбек халқининг касб-ҳунар соҳасидаги тажрибалари, аньаналари ҳақидаги ўзига хос билимларни ўзлаштириш, янги билимларни мустақил излаш, уларнинг моҳиятини чуқур тушуниш имкониятига эга бўладилар.

Технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий фаолиятларини ташкил этишда уларнинг тасаввурларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилади. Агар ўқитувчи бундай машғулотлар жараёнида ўқувчиларга касбларга оид билимлар ва ахборотларни тизимли тарзда тақдим этса, уларни мустақил излаб топиш йўлларини кўрсатмаса, уларнинг амалий кўникмалари етарлича фаоллашмайди.

Бугунги кунга келиб ўқувчилар амалий кўникмаларини фаоллаштиришнинг муҳим шаклларидан бири – материаллар билан ишлашга йўналтирилган амалий машғулотлардир. Амалий кўникмаларни ҳосил қилувчи машқлар, методик қўлланмалар мазмунида ўз ифодасини топиши лозим. Уларнинг мазмунида ўқувчиларнинг амалий фаолликларини таъминлашга хизмат қиладиган савол ва топшириқлар, муаммоли саволлар, ижодий машқлар, мустақил, ижодий фикрлашга ундовчи мавзуларни такрорлашга йўналтирилган саволлар, фикрий операцияларни амалга ошириш кўникмаларини ишга соладиган иш турлари акс этиши лозим. Бундай методик воситалар айниқса иш турлари ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Амалий топшириқлар ўқувчилар амалий фаолиятининг турли даражаларида харакатларини тартибга солиш имконини беради.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш учун ижтимоий меҳнат вазиятларини ўқув жараёнига олиб кириш лозим. Бундай ёндашув ўқувчиларнинг ижтимоий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш имконини беради. Натижада муайян фаолиятни амалга оширишга йўналтирилган ижтимоий вазиятлар имитациялаштирилади. Бу жараёнда ўқувчилар ўқитувчи ёрдамида воқеликнинг моҳиятини англаб, у ҳақидаги ўз нуқтаи назарларини таркиб топтирадилар.

Ўқитувчи фаолияти бевосита ўқувчилар фаолияти таркибига киради. Шунга кўра, унинг натижаларига ҳам таъсир кўрсатади. Шуни алоҳида изоҳлаш керакки, бундай шароитда ўқитувчи фаолияти ҳам, ўқувчи фаолияти ҳам билиш субъекти ҳисобланади. Улар ўзаро алоқадорлик асосида субъект-объект муносабатларини тартибга солади. Шунинг учун ҳам билишнинг қуйидаги алгоритмидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ:

Ўқитувчи ва ўқувчилар ўзаро муносабатларининг уйғунлиги ва алоқадорлигини англаган ҳолда педагогик муносабатлар йўналишини аниқлайди, ўқув жараёнини ташкил этиш усуллари ва воситаларини танлайди. Бу жараёнда ўқитувчи ўқувчиларнинг билиш майлларини ҳисобга олади ва мазкур жараённи мақсадга мувофиқ тарзда йўналтиради;

Ўқитувчи ўз педагогик фаолиятининг мақсади, вазифалари, воситалари, шарт-шароитларини англаган ҳолда уни ижтимоий-педагогик вазиятлар билан

уйғунлаштиради, ўқувчиларнинг билиш жараёнларини режалаштиришда ўзини улар ўрнига қўйишга ҳаракат қилади;

Ўқитувчи ўқувчиларга ўз билимларини амалий фаолиятларда қўллаш ўрни ва ҳолатларини кўрсатади, турли усуллар ёрдамида уни намойиш қилишга одатлантиради. Шунингдек, ўқувчиларнинг ўз билимларини амалда тадбиқ этишлари учун қулай шароит яратади.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришда қуйидаги ўзига хос жиҳатларни ҳисобга олиш талаб қилинади:

Шакллантирувчи даражада ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш репродуктив усулда эгалланган билимлар уларнинг мустақилликларини таъминлаш мақсадида янги шаклга кўчирилади ва ижодий изланиш даражасида такомиллашади;

Технология дарсларида таълим беришга оид турли дидактик ёндашувларни уйғунлаштириш ўқув жараёнига компетенциявий ёндашувни татбиқ этиш имконини бериб, амалий кўникмаларни фаоллаштириш усуллари ва методларини интеграциялашга кўмаклашади;

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари сирасига ўқув топшириқларининг компетенциявий ёндашув принципига амал қилган ҳолда танлаш зарурлигини кўрсатиш мумкин. Бу принципдан ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш усуллари ва методларини танлашда ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Юқорида айтилган фикрлар қуйидагиларни таъкидлаш имконини беради:

Технология дарсларини ўқитиш жараёнида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш ўқитувчи ва ўқувчиларнинг муайян изчилликда ташкил этиладиган ҳаракатларига боғлиқ. Бунда ўқитувчи муайян методик воситалар йиғиндисидан фойдаланади. Мазкур методик воситалар ўқувчиларнинг амалий фаолликларини таъминлаш учун қулай дидактик шарт-шароитларни вужудга келтириб, билимларни унумли ўзлаштирилишларини таъминлайди. Технология таълими мазмунини ўзлаштириш асосида зарур кўникмаларини эгаллаш имконини беради;

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш имконини берадиган илмий методик йўналишлар компетенциявий ёндашувга асосланган таълим жараёнида қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга эришиш сохасидаги ёндашувлар ва механизмларни мазкур мақсадга йўналтириш, шу асосда ўқувчиларнинг қизиқишлари, хоҳишлари, диққатлари, қарашлари, изланишлари, ҳаётий тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг қизиқишларини йўналтириш, бунда билиш жараёнини субъект-субъект муносабатлари асосида ташкил этиш, ўқув жараёнига муаммоли вазиятларни олиб киришга эришиш; компетенциявий ёндашувга асосланган таълим амалиётига ўқитиш алгоритмини жорий қилиш, шу орқали назарий материаллар билан илмий далиллар орасидаги ўзаро муносабатни таъминлаш; компетенциявий ёндашувга асосланган ўқув жараёнида репродуктив усуллар билан изланишга асосланган усуллар орасидаги

алоқадорликни таъминлаш мақсадида умуминсоний маданиятли тақдим этишга хизмат қиладиган, шу асосда ўқувчиларнинг ижтимоий меҳнатга оид тафаккурини ривожлантиришга имкон берадиган махсус ўқув усуллари ва иш турларини қўллаш.

Биз технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишда қуйидагиларга эътибор қаратдик: ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш жараёнида билиш усулларини намоён қилиш ва ўқитувчи томонидан мазкур усулнинг моҳиятини тушунтириш; ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишда мисолларга асосланган ҳолда топшириқларни бажаришда билиш усулларидан фойдаланиш; ўқитувчи томонидан таклиф этилган амалий кўникмаларни фаоллаштириш вазиятлари билан ўқувчиларни таништириш, фаоллаштиришнинг турли даражаларида мустақил топшириқларни бажариш жараёнида мазкур усуллардан фойдаланиш; мазкур усулларни таниш вазиятларда қўллаш ва бошқа нотаниш вазиятларда улардан фойдаланиш йўлларини аниқлашга эътибор берилди.

Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятлари ўқув-билув жараёнини олдиндан лойиҳалаштириш имконини беради. Методлар, усуллар йиғиндиси ва уларнинг изчиллиги қўйилган мақсадга эришиш учун ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш жараёнларини муайян мақсадга йўналтириб: ўқитувчи ва ўқувчиларнинг субъект – субъект муносабатлари; ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликка асосланган кўптомонлама алоқалари; ўқувчиларнинг майллари ва эҳтиёжларига яхлит тарзда таъсир кўрсатиш; ўқувчиларнинг ҳиссий-ихтиёрий ҳамда когнитив соҳаларини ривожлантириш; ўқувчиларнинг билимларини олдиндан лойиҳалаштириш; ўз-ўзини баҳолаш ва тескари алоқа имкониятларидан фойдаланиш; ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга урғу бериш учун қулай педагогик шарт-шароитларни яратади.

Технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришнинг муҳим воситаларидан бири – ўқитувчининг баҳолаш фаолиятидир. Топшириқлар бажарилгач, ўқувчиларга дафтарларига ўзлари бажарган ишларининг сифатини ўқитувчи таклиф қилган мезонлар асосида баҳолаш мақсадида белгилар қўйиш талаб этилади. Ўқувчиларнинг ишларини текшириш жараёнида ўқитувчи ҳам шундай вазифани бажаради. Агар ўқитувчи ўқувчиларнинг қўйган баҳоларини тўғри деб топса, уни қабул қилади, агар нотўғри деб ҳисобласа, изоҳ берган ҳолда ўзи баҳо қўяди.

Тадқиқ этилаётган муаммонинг ечимини топиш даврида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этишга йўналтирилган педагогик жараён модели ишлаб чиқилди (1-расм).

Дарсдан ташқари вақтларда амалга ошириладиган машғулотлар ўқувчиларнинг нафақат амалий кўникмаларини фаоллаштиришга йўналтирилиши, балки муайян вазиятларда турли муаммоларни ҳал этишга хизмат қиладиган амалий кўникмаларини шакллантиришга қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган технология дарсларида ўқувчилар ўзларининг индивидуал имкониятларини намоён қиладилар. Улар ўзлари учун янги билимларни кашф этадилар ва амалий топшириқларни ечиш устида изланадилар. Ўқитувчи эса ўқувчилар фаолияти ва ўқув вазиятларини ташкил этувчи субъект сифатида намоён бўлади. У ҳар бир дарсда ўқувчиларни қўйилган мақсадга эришиш сари йўналтиради. Ўқувчининг фаолияти ҳар доим қўйилган мақсаддан келиб чиққан ҳолда ташкил этилиши лозим. Қўйилган мақсад доирасида эришиладиган натижалар ўқитувчи томонидан аниқ тасаввур қилинади.

Технология фани ўқитувчилари ўқувчилар эгаллаши зарур бўлган барча амалий кўникмаларни аниқ билишлари лозим. Улар шу нуқтаи назардан ёндашган ҳолда ўқувчиларда амалий кўникмаларни шакллантиришга хизмат қиладиган вазиятларни лойиҳалаштиришлари ва ташкил этишлари мақсадга мувофиқ. Бундай вазиятларда ўқувчилар ривожлантирувчи мақсадлар ёрдамида амалий кўникмаларни эгаллашга эришадилар. Бунинг учун қуйидагилар зарур ҳисобланади: ўқувчилар эгаллайдиган фаолиятни аниқ кўрсатиш; ушбу фаолият мазмунини ташкил этувчи ҳаракатлар тизими ёки уни бажариш усулларини ажратиб олиш; ажратиладиган ҳаракатлар тизимини нутқ орқали ифодалаш, ҳар бир дарсда ўқувчилар ўзлаштиришлари лозим бўлган ҳаракатларни аниқ кўрсатиш.

Диссертациянинг учинчи боби “**Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга йўналтирилган вазиятларнинг самарадорлиги”** деб номланиб, ушбу бобда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларининг самарадорлигини аниқлашга йўналтирилган тажриба-синов ишларини ташкил этиш методикаси ҳамда педагогик тажриба-синов ишларининг статистик таҳлили бўйича маълумотлар келтирилган.

Технология ўқитувчиларининг ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаштиришга йўналтирилган педагогик жараёнларни ташкил этишда муайян методлардан фойдаланишларини таъминлашга ҳаракат қилдик. Ушбу мақсадда тажриба-синов жараёнида қуйидаги методлардан фойдаландик: тренинглар ўтказиш; ўқув мунозаралари ташкил этиш; давра сухбатларини ташкиллаштириш; таълимий ўйинлардан фойдаланиш; ишчан ўйинлар ташкил этиш; фаол методлар ёрдамида интерактив машғулотларни ташкил этиш; семинарлар ўтказиш.

Тажриба-синов ишлари Тошкент, Андижон, Самарқанд ва Фарғона вилоятларининг 13 та умумий ўрта таълим мактабларида ўтказилди. Унда тажриба гуруҳида 592 нафар ва назорат гуруҳида 587 нафар, жами 1179 нафар ўқувчилар; 33 нафар технология фани ўқитувчилари иштирок этди. Олинган натижалар статистик таҳлил қилинди.




**1-расм. Технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга йўналтирилган педагогик жараён модели**

**1-жадвал**

**Технология ўқитувчиларнинг ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаштирувчи вазиятларда қўлланиладиган методларни билиш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари**

| № | Ўқитувчиларнинг билимларини аниқлаш мезонлари | Тажриба бошида $n_i$ = 33 | | | Тажриба якунида $m_j$=33 | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Юқори | Ўрта | Паст | Юқори | Ўрта | Паст |
| 1. | Ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаш-тириш вазиятларини лойиҳалаштира олишлари; | 8 | 12 | 13 | 16 | 13 | 4 |
| 2. | Ўқувчиларни амалий кўникмаларини фаоллаш-тирувчи вазиятларни тавсифлай олишлари; | 10 | 10 | 13 | 17 | 15 | 1 |
| 3. | Ҳар бир вазиятда қўлланиладиган методларни билишлари; | 9 | 13 | 11 | 18 | 11 | 4 |
| 4. | Ўқувчиларнинг амалий фаолиятлари натижасини таҳлил қила олишлари; | 7 | 14 | 12 | 15 | 12 | 6 |
| 5. | Ўқувчиларнинг амалий кўникмалари даражасини қиёсий баҳолай олишлари; | 11 | 12 | 10 | 19 | 10 | 4 |
| 6. | Ўқувчилар томонидан тузилган лойиҳаларни таҳлил ва коррекциялай олишлари; | 8 | 13 | 12 | 18 | 14 | 1 |
| 7. | Ўқувчиларнинг билимларини амалий ишлар жараёнида фаоллаштира олишлари; | 9 | 10 | 14 | 17 | 15 | 1 |
| 8. | Ўйин вазиятларининг характери ва ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш имкониятларини кенгайтира олишлари | 10 | 12 | 11 | 16 | 14 | 3 |
| | **Ж а м и:** | **72** | **96** | **96** | **136** | **104** | **24** |
| | **Ў р т а ч а с и:** | **10** | **12** | **11** | **17** | **13** | **3** |

**2-жадвал**

**Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларни фаоллаштириш вазиятларининг самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари**

| № | Ўтувчиларнинг билимларини ифодаловчи мезонлар | Тажриба гуруҳи $n_i$ = 592 | | | Назорат гуруҳи $m_j$=587 | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Юқори | Ўрта | Паст | Юқори | Ўрта | Паст |
| 1. | Ўқувчиларда ўрганилган билимларни амалда қўллаш кўникмаларининг шаклланганлиги; | 258 | 274 | 60 | 185 | 213 | 189 |
| 2. | Ўқувчиларнинг андозалар устида ишлай олишлари; | 262 | 271 | 59 | 183 | 210 | 194 |
| 3. | Амалий фаолиятлари натижаларини кўрсатиб бера олишлари; | 260 | 274 | 58 | 182 | 212 | 193 |
| 4. | Ижодкорлик сифатларини намоён эта олишлари; | 261 | 272 | 59 | 180 | 210 | 197 |
| 5. | Турли материаллардан фойдаланиш жараёнида уларнинг хусусиятларини билган ҳолда маҳсулотлар ярата олишлари; | 259 | 274 | 59 | 179 | 211 | 197 |
| 6. | Техник ва креатив фикрлаш кўникмасига эга бўлишлари; | 260 | 270 | 62 | 182 | 213 | 192 |
| 7. | Технологик жараён ва тайёр-ланган маҳсулотларни бажариш кетма-кетлиги ва маҳсулотлар сифатини билишлари; | 259 | 273 | 60 | 185 | 209 | 193 |
| 8. | Касблар ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлишлари ва онгли равишда касб танлай олишлари; | 259 | 272 | 61 | 180 | 212 | 195 |
| 9. | Шахсий оилавий, касбий ва иқтисодий режалар туза олишлари; | 263 | 271 | 58 | 179 | 210 | 198 |
| 10. | Чизма ва моделларни ўқиб тавсифлай олишлари; | 261 | 276 | 55 | 183 | 212 | 192 |
| 11. | Амалий креатив фаолият жараёнини моделлаштира олишлари; | 260 | 275 | 57 | 182 | 211 | 194 |
| 12. | Техника хавфсизлиги қоидаларини билишлари ва санитария-гигиена талабларига амал қила олишлари | 258 | 274 | 60 | 184 | 209 | 194 |
| | **Жами:** | **3120** | **3276** | **708** | **2184** | **2532** | **2328** |
| | **Ўртачаси:** | **260** | **273** | **59** | **182** | **211** | **194** |

Олиб борилган тажриба-синов натижалари асосида технология ўқитувчиларининг ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаштирувчи вазиятларда қўлланиладиган методларни билиш ҳамда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларни фаоллаштириш вазиятларининг самарадорлигини аниқлаш учун олиб борилган тажриба-синов натижалари асосида ўқитувчиларнинг тажриба боши ва якунидаги ҳамда ўқувчиларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўртача ўзлаштиришларини Стьюдентнинг математик-статистика методи ёрдамида таҳлил этдик.

1-жадвалга асосан ўқувчиларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ўзлаштиришлари самарадорлигини кўрсатувчи $H_1$ гипотеза ва унга зид бўлган $H_0$ гипотеза танланади. 2-жадвалдан ўқувчиларнинг тажриба ва назорат гуруҳларидаги ҳамда бошланғич синф ўқитувчиларининг тажриба боши ва якунидаги умумий натижаларни қуйидаги диаграммаларда акс эттирамиз:




**2-расм. Ўқитувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаштирувчи вазиятларда қўлланиладиган методларни билиш самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари**




**3-расм. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларининг самарадорлигини аниқлаш кўрсаткичлари**

Демак, технология ўқитувчиларнинг ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаштирувчи вазиятларда қўлланиладиган методларни билиш ҳамда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларни фаоллаштириш вазиятларининг самарадорлигини аниқлаш бўйича олиб борилган тажриба-синов ишларининг самарадор эканлиги статистик таҳлиллар натижасида маълум бўлди.

## ХУЛОСА

"Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини ташкил этиш тизими ("Технология" таълими мисолида)" мавзусида олиб борилган илмий-назарий ва услубий-амалий тадқиқотлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш имкониятлари гендерга хос индивидуал ўзгаришлар, мустақил тафаккур тарзига мос ўзаро муносабат вазиятини вужудга келтириш, технология дарсларида ўқувчиларнинг амалий кўникмалари таълим беришга дидактик ёндашувларни уйғунлаштиришга қаратилган репродуктив ва продуктив усулда эгалланган билимларнинг маҳсулдорлигини аниқлаш ҳамда ўзлаштирилган билимларни таълим жараёнида қўллаш асосида ривожлантирилди.
2. Амалий кўникмаларнинг ривожланганлик даражаси ўқитувчи ва ўқувчиларнинг ўзаро ҳамкорликка асосланган муносабатлари, ижтимоий-педагогик вазиятлар билан мувофиқлаштирилганлиги, нутқий-визуал мулоқотни фаоллаштириш, дидактик жараён, шахснинг тафаккур тарзи, идрок этиш имкониятлари, гендер хусусиятлари инновацион ўқитиш технологияларига сабаб-оқибат боғланишларини қадриятли муносабатлар билан трансформациялаш асосида такомиллаштирилди.
3. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш вазиятларини гендер ёндашув асосида такомиллаштириш орқали уларни самарали ижтимоийлаштириш имкониятлари кенгайтирилди. Технология дарсларида ўтиладиган ҳар бир мавзунинг ўқувчиларда амалий кўникмаларни фаоллаштириш натижасида ўқув жараёнининг самарадорлигини таъминлаш механизмлари тадбиқ этилди.
4. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш натижасида уларда таянч ҳамда фанга оид компетенцияларнинг шаклланиш жараёни аниқланди хамда "Технология" фанидан ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини тизимли тарзда фаоллаштиришни ташкил этишга оид инновацион технологиялар аниқланди.
5. Замонавий дидактикада ўқувчиларнинг амалий кўникмалари муайян фаолиятга қизиқиш – ихтиёрийлик – диққат – фикр – изланишга асосланиши назарий аниқланди. Бу ўқувчиларнинг ҳаракатларни ўзлаштиришнинг қулай усулларини излашларида намоён бўлиши амалий кўникмаларини креатив ёндашув асосида фаоллаштириш бўйича муайян методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

6. Дидактикага оид тадқиқотларда ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришнинг икки йўналиши ўзаро уйғунлашган ҳолда ўқитувчи фаолияти ва методик воситаларнинг моҳиятини хамда ўқувчиларнинг педагогик-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг амалий кўникмалари фаоллаштирилиши аниқланди.

7. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштириш тушунчаси остида ўқитувчи ҳамда ўқувчиларнинг ҳамкорликдаги ҳаракатлари намоён бўлди. Ҳамкорликдаги мазкур ҳаракат дидактик шарт-шароитларни вужудга келтириш, фаоллаштирувчи вазиятларни лойиҳалаш ва ташкил этиш, амалий фаолиятни ўқув мақсадларига йўналтириш асосида режалаштириш учун қулай шароит яратиши аниқланди.

8. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини узлуксиз ривожлантириш имконияти сифатида технология фанини ўқитиш жараёнида қўлланиладиган методик воситалар ва мажмуаларнинг мазмуни бойитилди. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларни мақсадга мувофиқ тарзда йўналтириш ва таҳлил қилиш усуллари, йўлларини такомиллаштириш бу соҳада йўналишларни ажратишга замин яратди.

9. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштирувчи вазиятларда қўлланиладиган асосий воситалар сифатида интеллектуал ҳаракатлар, вербал воситалар, ўқув предметининг мазмуни, ўзлаштириладиган амалий кўникмалар, ўқувчиларнинг шахсий тажрибалари намоён бўлди. Ўқувчиларнинг ўқув жараёни субъекти сифатида шаклланишларига имкон берадиган воситалар уларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга йўналтирилди.

10. Бевосита амалий фаолият жараёнида ўзлаштириладиган технологияга оид билимлар, амалий кўникмаларни кўпфаолиятлилик асосида ташкил этиши ўқув жараёнида ўқувчиларнинг фаол иштирок этишларини таъминлаши аниқланди.

11. Тажриба-синов ишлари жараёнида технология фани ўқитувчиларига ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга хизмат қиладиган дидактик усуллар ва методлар тақдим этилиб уларнинг бу соҳадаги касбий маҳоратларини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Ўқувчиларнинг амалий кўникмаларини фаоллаштиришга йўналтирилган дидактик вазиятлар муайян самарадорликка эга бўлиб, статистик таҳлиллар натижасида олинган маълумотлар тадқиқот фарази тўғрилиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**УЗБЕКСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ НАУК**

**АЛКАРОВА ФЕРУЗА НАЗАРБАЕВНА**

# СИСТЕМА ОРГАНИЗАЦИИ СИТУАЦИЙ ДЛЯ АКТИВИЗАЦИИ ПРАКТИЧЕСКИХ НАВЫКОВ УЧАЩИХСЯ
**(на примере образования «Технология»)**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений**

**АВТОРЕФЕРАТ**
**диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) по педагогическим наукам**

**Ташкент – 2022**

**Тема диссертации на соискание ученой степени доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B.2021.2.PhD/Ped1237.**

Диссертация выполнена в Узбекском научно-исследовательском институте педагогических наук.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.tdpu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyonet.uz).

| | |
|---|---|
| **Научный руководитель:** | **Сафарова Рохат Гайбиллаевна**<br>доктор педагогических наук, профессор |
| **Официальные оппоненты:** | **Хакимова Мухаббат Файзиевна**<br>доктор педагогических наук, профессор |
| | **Ўринова Нилуфар Мухаммадовна**<br>кандидат педагогических наук, доцент |
| **Ведущая организация:** | **Чирчикский государственный педагогический институт** |

Защита диссертации состоится «____» _____ 2022 года в _____часов на заседании Научного совета DSc.03/30.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100011, город Ташкент, улица Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86; Web-site: www.tdpu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №_____). (Адрес: 100011, город Ташкент, Бунёдкор, дом №27). Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-80-86

Автореферат диссертации разослан «____» _____2022 года.

(реестр протокол рассылки №_____ от ____ _____ 2022 года).

**Б.С.Абдуллаева**
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., проф.

**Р.Г.Исянов**
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.п.н., доц.

**Н.А.Муслимов**
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., проф.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой образовательной практике были внедрены в практику педагогические исследования, направленные на активизацию практических навыков учащихся, развитие их интеллектуальных способностей, интенсификацию учебной деятельности, облегчение представления заданий практического характера. В системе образования таких стран, как Германия, Япония, Корея, Российская Федерация, приоритет отдается организации ситуаций активизации практических навыков учащихся посредством интегративной организации и проведения технологических занятий, выявляется необходимость совершенствование дидактической системы обучения учащихся применению практических навыков на основе компетентностного подхода, мотивации мышления, создания возможностей для правильного использования своих возможностей, создания благоприятных условий для взаимного обмена практическим опытом.

В образовательных и научно-исследовательских учреждениях мира проводятся научные исследования по разработке стратегий систематизации процесса организации ситуаций активизации практических навыков учащихся, проектированию процессов улучшения социального развития, организации технологических образовательных и воспитательных процессов, направленных на развитие творческой практической деятельности учащихся, формированию целевой базовых компетенций с учетом возрастных и психофизиологических особенностей детей. При этом особое внимание уделяется научным исследованиям по внедрению эффективных форм и методов процесса организации ситуаций активизации практических навыков учащихся на основе требований личностно-ориентированной образовательной стратегии и компетентностного подхода, расширению уровня инновационной активности преподавателей технологического образования, развитию их профессиональных компетенций.

